



JARQO`RG`ON

1932-YIL MAYDAN CHIQA BOSHLAGAN

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

WWW.JN-GAZETA.UZ

2023 yil
15 fevral,
chorshanba
2-son
(8817)

VATANNI
SEVMOQ
IYMONDANDIR



МАЪНАВИЯТ ВА ЁШААР ТАРБИЯСИ

«Инсоният дунёсининг бир ёриткичи — маънавият чироғи бор. Бу чироқнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одабийлик ҳиссини кучайтиради. Биз учун маънавият — инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргалликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир.

Бошқача айтганда, маънавият — жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанчалик мустақкам бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам шунча кучли бўлади». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.



Дарҳақиқат, бугунги кунда маънавият масаласи, ёшлар тарбияси энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бугунги глобаллашув жараёнларида, дунёдаги чуқур иқтисодий ва сиёсий инқирозлар, қарама-қаршиликлар, «оммавий маданият», экстремизм ва терроризм ҳавфи юқори бўлиб бораётган бир даврда, ёшларимиз онгини миллий қадриятларимиз, менталитетимизга зид бўлган ёт гоёлардан ҳимоя қилиш ва олдини олиш мақсадида ҳар бир ота-она, нуруний отахон ва онахонлар, маҳалла-куй, таълим муассасалари ва кенг жамоатчилик вакиллари бирдек масъул бўлишини тақоза этади. Глобаллашув ва ахборот хуружлари, турли бузғунчи гоёлар таъсирида миллий ўзлик ва маънавий қадриятларимизга қарши таҳдид ва хатарлар тобора

кучаймоқда. Худбинлик, яъни ўзини ўйлаш, ҳаётга, меҳнатга, оилага енгил қараш, истеъмолчилик кайфияти сингари иллатлар турли йўللار билан аҳоли, айниқса ёшлар онгига сингдирилмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг «Бизни ҳамisha ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала — бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқарashi билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаришти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким — ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улғу зотларнинг авлодимиз, деган давлат уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигиса содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан», деган фикрлари юртимиздаги ҳар бир ёш авлод вакиллари учун дастуруламал бўлиши лозим.

Бугунги кунда ёшларимиз ҳар тамонлама баркамол авлод бўлиб етишида, жамиятда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида, бутун дунё ёшлари билан ҳар қандай соҳада беллаша оладиган, билимли, салоҳиятли инсонлар бўлиб етишида фақат билим, илм олиш орқали эришилишини бугунги замонавий даврнинг ўзи тақоза қилади. Ҳозирги кунда юртимизда инсонларнинг китобхонлик савиясини ошириш, мутолаа маданиятини юксалтиришга катта аҳамият берилётганини бугун барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Аммо, ушбу имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан кўплаб ёшларимиз китобдан узоқлашиб, кўп вақтларини ижтимоий тармоқларда ўтказаятгани — бу ҳам айни ҳақиқат.

Мустабит тузум даврида миллатчилик сифатида қораланган ватанпарварлик гоёси бугун ҳақиқий рўёбига эришди. Ватан озодлиги учун курашган бир қатор юртдошларимиз номи тикланди. Уларнинг хотираси абадийлаштирилди. Бу борада *Тўмарис, Широқ, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Маҳмуд Таробий, Амир Темур* ва бошқаларни эслаш ўринлидир. Айниқса уларнинг озодлик учун олиб борган курашлари, метин иродаси, сабр-матонати, ғайрат ва жасоратларидан ибрат олиб, келгуси авлодлар хотирасида абадий сақлаш ва уларнинг амалга оширган ишларини ёшларга кенгроқ тарғиб қилишимиз зарур.

У.ИБАДУЛЛАЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази
Жарқўрғон туман бўлинмаси раҳбари.

ЯНАДА ХААҚЧИА ТУЗИМАГА АЙАНАДИ

2023 йил 20 январь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ички ишлар органларини халқчил тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Президент қарори Ички ишлар органларини аҳолининг ишончли ҳимоячиси сифатида халқчил профессионал тузилмага айлантириш, уларнинг фуқаролар, жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорликда, ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатлик руҳида ишлашини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Хужжат билан Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланган. Ҳар бир ходим мазкур кодексда белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши мажбурий этиб белгиланган. Кодекс қоида ва талабларига амал қилмаслик ёки уларни қўпол равишда бузиш ходимни ички ишлар органларидан хизматдан бўшатишга бўлган интизомий жазо чорасини қўллаш учун асос бўлади.

Таъкидланишича, кодексда белгиланган қоида ва талаблар ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ноҳўя хатти-ҳаракатлар,

суиистеъмолчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмасликка йўналтирилган. Ходимлар ишга қабул қилинган кундан, эгаллаб турган лавозими ҳамда бажарадиган ишининг хусусиятидан қатъий назар ушбу кодексга бирдай риоя этишга мажбурдир.

Бундан ташқари, ушбу қарор билан ИИБ маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаменти тўғрисидаги низом, ички ишлар органларида кадрлар салоҳиятини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг «йўл харитаси» тасдиқланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан «Ички ишлар органларини халқчил тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор қабул қилиниши ортидан Президентнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши белгиланган.

Президентимизнинг ушбу қарори ички ишлар органлари ходимлари учун бундан кейинги хизмат фаолиятлари давомида, албатта, дастуруламал бўлади.

Сайдулла НАЗАРОВ,
Жарқўрғон туман ИИБ бошлиғи ўринбосари.

ҚОНУНИЙ ФАОАИЯТ – ТАДБИРКОРГА ИМКОНИЯТ

“Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунда фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этиши ва манфаатдорлиги учун шарт-шароит яратиш,

ҳам, ташкил этмасдан ҳам доимий асосда шуғулланиши мумкин. Бунда юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар, шу жумладан, чет эл фуқаролари ёки юридик шахслар, шунингдек фуқаролари бўлмаган шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилиши ёки таъсис ҳужжатларининг қонунга номувофиқ бўлиши давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга сабаб бўлади. Рўйхатдан ўтказувчи органлар тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш мақсадагу мувофиқ эмас, деган ваз билан уларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари — юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани олган пайтдан бошлаб ўз фаолиятини амалга оширади.

Н.САТТАРОВ,
Жарқўрғон туман Адлия бўлими ДХМ директори.

9 февраль - Ҳазрат Алишер Навоий таваллуд кун

НАВОИЙ БОБОМ

Турк назмида кўтариб байроқ,
Шарқда туриб тебратмиш қалам.
Баширни ёритгай бўлиб шамчироқ,
Турк валийси — Навоий бобом.

Ўн саккиз минг олам гафғоси
«Хамса»сида бўлмиш мужассам.
Ҳар достону ғазал-қасидасин
Машиҳаргача етказгин Эгам.

Ул холиққа қилиб саждагоҳ,
Халойиққа этмиш мурувват.
Карам васфи, саховатли зот,
Дийдасида эмиш футувват.

Эл-улуснинг навобахшисин
Ҳазрат дея эл алқар мудом.
Шеърятнинг тугал яхшиси,
Шундоқ эрур Навоий бобом!

Саодат МУСТАНОВА, шифокор.



“ЯХШИААР ИЧРА ВАТАН ТУТСА НАВОИЙ НЕ ТОНГ...”



Жорий йилнинг 9 февраль кун



февраль кун

Жорий йилнинг 9 февраль кун

Жорий йилнинг 9 февраль кун

Б.ЖУМАЕВ.

БАРҲАЁТ АЛИШЕР НАВОИЙ

Ҳар бир миллатнинг ўчмас сиймолари, барҳаёт аждодлари бор. Сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий шубҳасиз ўзбек халқининг ана шундай сиймоларидан биридир. Ҳар йили февраль ойининг тўққизинчи санаси, яъни Навоий таваллуд тогган кун бутун мамлакатимизда шеърят кечасига

ва сўз байрамига айланиб кетади. Айниқса, таълим муассасаларида, ўқув масканларида бадий кечалар уюштирилиб Навоий ғазаллари рубоийлари, дostonларию фардлари ёд олинади. Асарлари асосида сахна кўринишлари тайёрланади. Куни кеча тумандаги 41-сонли умумтаълим мактабида ҳам ушбу сана муносабати билан «Барҳаёт Навоий 582 ёшда» номи адабий бадий кеча ташкил этилди. Тадбирни мактабнинг ММИБДЎ Б.Мардаев ўз сўзи билан очиб берди. Она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси А. Ражабов ҳазрат Навоий ва унинг асарлари ҳақида маълумот бериб, ўқувчи ёшлар тарбиясида Навоий ижодининг тугган ўрни борасида ўз фикр мулоҳазаларини баён этди. Кечада мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси М.Холмўминов, бошланғич синф ўқитувчиси Ф.Турдиева, М.Джавлиева, Д.Худжановалар ўз ўқувчиларининг гўзал чиқишлари, рубоий ва ғазаллари ва ажойиб сахна кўринишлари билан тадбир қатнашчиларини мамнун этдилар.

Дарҳақиқат, ҳали ўзбек халқи Навоий таваллудини минг йиллар давомида нишонлайди. Ва улғу шоир сиймосига алоҳида эҳтиром кўрсатилаверади. Зеро, Алишер Навоий ўзидан нафақат халқимизга, балки бутун дунёга битмас-туганмас маънавий бойлик қолдирган. (Суратларда тадбирдан лавҳалар).

Соҳиба МЕНҒАТОВА.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мурожаатномаси кенг камровли бўлди. Мурожаатномада таълим соҳасига алоҳида, эътибор қаратилди. Президент жорий йилни «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон

МУРОЖААТНОМАНИ ТИНГААБ...

қилинганди. Мактаб ва мактабгача таълим кенг фаолиятига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Мурожаатноманинг ҳар бир сатридаги жўшқинлик, сиёсий қарашлар мамлакатимиз истиқболининг тараққиётига, унинг келажагига бўлган муносабат мактабимиз жамоасида катта таассурот қолдирди.

Озод ва обод диёримизда ўқувчиларнинг чуқур билим олишлари, замонавий фан-техника сирасорларини пухта ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилган.

Айниқса фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишларида «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу гоёт қувонарлидир.

«Мактабимиз «Қораёғоч» маҳалласи худудида жойлашган бўлиб, фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказишни йўлга қўйганмиз, - дейди

«Биз истиқлол фарзандларимиз» каби мавзуларда давра суҳбатлари, маънавий-маърифий учрашувларда, маҳалла фаоллари, ота-оналар, таниқли ижодкорлар, турли касб эгалари қатнашмоқдалар. Бу ўз навбатида таълим-тарбия самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳамкорликда ҳикмат кўп эканлиги «Оила-маҳалла-таълим муассасаси» доирасида олиб борилаётган ишларимизда ўз ифодасини топмоқда.

Президентимизнинг Ўзбекистон халқига мурожаатномасини тингладик, бу муҳим ҳужжат ҳаммамизнинг диққат марказида бўлмоқда. Унда белигиланган вазифалар тўлиқ амалга оширилади ва кўзланган юксак натижага эришилади.

П.СОЛИЕВ,
50-сонли умумтаълим
мактабнинг ижодий-маданий ишлари
бўйича тарғиботчиси.



уларнинг ишчанлик фаоллигини ошириш, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида айтилган.

Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан юридик шахс ташкил этган ҳолда

НОГИРОНЛИГИ БЎАГАН ЁШЛАРГА СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБИ

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 декабрдаги «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 500 нафаргача ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида субсидия ажратиб бориш тизимини жорий этиш вазифаси белгиланган.

Ушбу тизимни жорий этиш мақсадида 2022 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ногиронлиги бўлган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори тасдиқланди.

Мазкур қарорда Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили 500 нафаргача 14-30 ёшдаги ногиронлиги бўлган ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача, жумладан, 15 миллион сўмгача бўлган миқдорда субсидия ажратиш тизими йўлга қўйилди.

Субсидия 2 та йўналишда ажратилади, хусусан, ногиронлиги бўлган ёшларга ўқиш, яшаш ва транспорт харажатларини қоплаш учун, асбоб-

ускуналар ва меҳнат қуролларини харид қилиш учун берилади.

Хужжатлар қандай қабул қилинади?

Субсидия олишни хоҳловчи қарорга мувофиқ субсидия ажратишни сўраб мурожаат қилган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган ногирон-лиги бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс (ўн олти ёшга тўлмаган шахс номидан мурожаат қилган унинг қонуний вакили) томонидан нодавлат таълим ташкилотида ўқиш ёки асбоб-ускуна харид қилиш учун субсидия ажратишни сўраб давлат хизматлари марказига мурожаат қилади. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали Ёшлар ишлари агентлигига бевосита ариза юборади.

Аризаларни қабул қилиш хизмати давлат хизматлари маркази томонидан бепул амалга оширилади.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилда 500 нафар талабгорга субсидия ажратилгандан сўнг субсидия бериш учун ариза қабул қилиш тўхтатилади.

Кейинги йиллар субсидия ажратиш учун аризалар 2023 йилдан бошлаб ҳар йили — 10 январдан қабул қилинади.

Ў.АБРАМАТОВ, З.УЛАШЕВА, О.ЖЎРАЕВ, Ж.ЧОРИЕВ,

Жарқўрғон туман Адлия бўлими ДХМ ходимлари.

ХЎЖААИК СУБЪЕКТААРИНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ЁКИ ТУГАТИШ БЎЙИЧА ДАВААТ ХИЗМАТААРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “Тадбир-корлик субъектлари бўлмаган айрим юридик шахс-ларни ташкил этиш ва тугатишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” ги қарори билан “Давлат органлари ва муассаса-ларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат органларини тугатиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти” тасдиқланди.

Унга кўра давлат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат хизматлари маркази томонидан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали амалга оширилади.

Давлат ташкилоти вакили (ариза берувчи) Давлат ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ёки ваколатли органнинг тегишли ҳужжатида назарда тутилган муддатларда, агар бундай муддат назарда тутилмаган бўлса, қарор қабул қилинган кундан

бошлаб 10 кун ичида давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи келиб мурожаат этади ва сўровномани электрон равишда тўлдиради. Бунда ариза берувчи Давлат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ўзининг ваколатлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этади.

Сўровнома тўлдирилгач, ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Ариза берувчи томонидан сўровномага Давлат ташкилотини ташкил этиш ҳақидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки ваколатли давлат органларининг тегишли ҳужжати (қарор, буйруқ), юқори турувчи орган раҳбари томонидан тасдиқланган Давлат ташкилотининг устави илова қилинади. Давлат органларини юридик шахс сифатида тугатиш тартиби ҳам худди шу шаклда амалга оширилади.

У.ТЎРАЕВ,

Жарқўрғон тумани Адлия бўлими ДХМ бўлим бошлиғи.

МАЪМУРИЙ СУДАДАГИ ИСАОҲОТААР

Хабарларнингиз бор, муҳтарам Президентимизнинг 2022 йил 29 январдаги “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш ҳамда аҳолининг судларга бўлган ишончини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-107-сонли қарорида маъмурий судларнинг асосий вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларида қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланиши қайд этилди.

Термиз туманлараро маъмурий суди томонидан мазкур қарор ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, одил судловга эришиш борасида 2022 йилда бир қатор ишлар амалга оширилди.

2022 йил давомида Термиз туманлараро маъмурий судига оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар билан боғлиқ жами 822 та (2021 йилда 1114 та) ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан келиб тушган аризалар сони 26,2 фоизга камайган.

Келиб тушган аризалардан 593 та (762 та) си қўриб чиқилган бўлиб, мазмунан қўриб чиқилган аризалардан 171 таси (336 таси) қаноатлантирилган, 349 та (303 таси) аризадаги талабни қаноатлантириш рад этилган, 46 та (94 таси) ариза бўйича иш юритиш тугатилган бўлса, 27 та (24 таси) ариза турли асосларга кўра кўрмасдан қолдирилган.

2022 йилнинг 12 ойи давомида қўрилган ишлар бўйича мансабдор шахслар томонидан йўл қўйилган қонунбузилишлар юзасидан 150 та (280 та) хусусий ажримлар чиқарилган.

Ҳисобот йилида маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи қарорини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ жами 414 та (603 та) иш қўрилган бўлиб, шундан 111 таси (278 таси) бўйича аризадаги талаб қаноатлантирилган, 256 таси (233 таси) бўйича арз қилинган талаблар рад қилинган, 26 та (68 таси) ариза иш юритувдан тугатилган, 21 та (25 та) ариза кўрмасдан қолдирилган, ушбу қўрилган ишлар юзасидан мансабдор шахсларга нисбатан 95 та (238 та) хусусий ажримлар чиқарилган.

Бу даврда маъмурий органлар, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ жами 88 та (130 та) иш қўрилган бўлиб, шундан 21 та (40 та) аризадаги талаб қаноатлантирилган, 49 та (61 та) аризадаги арз қилинган талаб қаноатлантиришдан рад этилган, 15 та (25 та) ариза иш юритувдан тугатилган, 3 та (4 та) ариза кўрмасдан қолдирилган, ушбу тоифадаги қўрилган ишлар юзасидан жами 18 та (30 та) хусусий ажрим чиқарилган.

Жумладан, ҳоким қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш билан боғлиқ жами 286 та (416 та) шикоят келиб тушган бўлиб, бу борадаги шикоятлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 31,3 фоизга камайган.

Ҳоким қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш

ҳақидаги аризалардан 45 таси (161 таси) қаноатлантирилган, 211 таси ёки (192 таси) рад этилган, 14 таси (47 таси) иш юритишдан тугатилган, 14 таси (16 таси) кўрмасдан қолдирилган, ушбу ишларнинг 12 таси (37 таси) сайёр суд мажлисларида қўрилган, қўрилган ушбу ишлар юзасидан жами 40 таси (145 таси) бўйича хусусий ажрим чиқарилган.

Ҳокимият мансабдор шахснинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш юзасидан 15 та (36 та) шикоят келиб тушган бўлиб, шундан 3 таси (4 таси) қаноатлантирилган, 8 таси (22 таси) рад этилган, 2 таси (8 таси) иш юритишдан тугатилган, 1 таси (2 таси) кўрмасдан қолдирилган, қўрилган ушбу ишлар юзасидан жами 3 таси (3 таси) бўйича хусусий ажрим чиқарилган.

Хабарларингиз бор, 2022 йилнинг май ойида маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ни сайлаш бўйича сайловлар ўтказилди.

Вилоятимизда бу борада амалга оширилган ишлар билан бир қаторда ўтказилган суд мажлисларида аксарият маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови бўйича тузилган ишчи гуруҳлар фаолиятида бир қатор қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Айниқса, Ангор тумани Новшаҳар МФЙ, Сариосиё туманидаги Бойсунобод МФЙ, Олтинсой туманидаги Наврўз МФЙ раислигига бир неча марталаб сайловлар ўтказилганлиги ушбу ҳудудлардаги масъулларнинг ўз вазифаларига етарли масъулият билан ёндошмаганлигини кўрсатди.

Сайлов комиссиясининг ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан келиб тушган 54 та шикоятнинг 49 та (4 та) си қўриб чиқилиб, 29 та (4 таси) шикоят қаноатлантирилган ва ишчи гуруҳ қарорлари ҳақиқий эмас деб топилган. 12 та шикоят рад этилган, 2 таси иш юритишдан тугатилган, 1 таси кўрмасдан қолдирилган (2021 йилда рад этилган, иш юритишдан ва кўрмасдан қолдирилган ишлар мавжуд эмас) ҳамда мансабдор шахсларга нисбатан 29 та ёки бу тоифадаги жами қўрилган ишларга нисбатан (4 та) хусусий ажрим чиқарилган, 5 шикоят аризалар қайтарилган.

Ҳисобот йилида мажбурий ижро бюроси органларининг қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги)ни қонунга хилоф деб топиш билан боғлиқ жами 69 та (47 та) иш қўрилди, шундан 36 таси (18 таси) қаноатлантирилган, 22 таси (15 таси) рад этилган, 7 таси (10 таси) иш юритувдан тугатилган, 4 таси (4 таси) кўрмасдан қолдирилган, ушбу қўрилган ишлар юзасидан мансабдор шахсларга нисбатан 34 та (11 та) хусусий ажримлар чиқарилган.

2022 йилда Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги мансабдор шахснинг ҳаракатини қонунга хилоф деб топиш юзасидан 78 та (39 та) иш қўриб чиқилган, шикоятларнинг 15 таси (7 таси) қаноатлантирилган, 54 таси (23 таси) рад этилган, 3 таси (1 таси) кўрмасдан қолдирилган, 6 таси (8 таси) иш юритишдан тугатилган, ушбу тоифадаги ишлар юзасидан 15 таси (4 та) бўйича хусусий ажрим чиқарилган.

Бугун биз тарихий даврда – халқимиз ўз олдига эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ – ФАРОВОНЛИК ГАРОВИ

имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамокдамиз.

Ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарордир. Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмокда. Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг асл мақсадини инсон манфаатлари ташкил этади. Шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларни нафақат билиши , балки ўз билимларини ўз ҳаётига татбиқ эта олиши тарғибот ишларининг ўзига хос самарасини ҳам ифодалайди. Ўртбошимиз таъкидлаганидек, «Қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатлари муваффақият билан ҳаётга татбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ». Мустақил юртимиз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга эришиш бу интилиш ва сайй-ҳаракатлардан кузатилган эзгу мақсадимиздир. Ҳуқуқий маданият – фуқаролик

жамияти аъзолари ўз ҳуқуқий билимлари ва кўникмаларини ўзлаштирувчи ёки ривож-лантирувчи ижодий фаолиятнинг муайян хусусияти

ва даражасидир. Ҳуқуқий жамиятнинг энг муҳим жиҳати қонунга сўзсиз итоаткорлик, қонунларга бўйсуниш, уларга тўла риоя этиш, улар асосида фаолият юритишдир. Яхши биламизки, ҳуқуқий жиҳатдан саводхон шахс фақат қонунларни билиб, ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлибгина қолмай, уларга амал қилади, итоат этади. У ўз ҳуқуқларининг бошқалар саводхон шахс фақат қонунларни билиб, ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлибгина қолмай, уларга амал қилади, итоат этади. У ўз ҳуқуқларининг бошқалар саводхон шахс фақат қонунларни билиб, ҳуқуқий маънавият ҳам ҳаётий эҳтиёж демакдир. Ўртбошимиз бир неча бор айтганларидек, қонун қабул қилиниши билан иш битмайди, барча муаммо ва масалалар ҳал бўлиб қолмайди. Бу қонунларни ҳаётга жорий қилиш, ҳар бир фуқаро онгига етказиш энг муҳим масала ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, маънавий маконда, хусусан, ҳуқуқий маданият муҳим ўрин тутади. Ҳуқуқий маданият фуқаролик жамияти маънавий камолотининг, давлатчилик ривожи ва ҳуқуқий тизим етуқлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Миллий маънавиятимизни, маданий меросимизни бебаҳо хазиналар, деб ҳисобласак, биз фақат маънавий тикланиш ва чинакам покланиш, орқалигина ўз ҳуқуқий маданиятимизни юксалтирамиз.

З.ЖАББОРОВА,

Жарқўрғон тумани Адлия бўлими ФХДЁ бўлими бошлиғи.

СТАТИСТИКА МАЪАУМОТЛАРИ ДХМ ОРҚААИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 ноябрдаги “Статистика маълумотларини тақдим этиш бўйича давлат хиз-матларини кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори билан мурожаат-чиларнинг бу борадаги сўровларига тежзорлик билан ҳамда сифатли хизмат кўрсатиш тартиблари белгиланди.

Мурожаатчи давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат этса ёки давлат хизматидан электрон шаклда фойдаланиш учун ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) га мурожаат қилганда, ДХМ ходими мурожаатчи номидан сўровнома тўлдиради. Сўровномага зарур маълумотлар киритилгандан сўнг, мурожаатчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзо билан тасдиқлайди. Мурожаатчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқлаш талаб этилмайди.

Сўровнома ваколатли органга келиб тушгандан сўнг, сўралаётган маълумотнинг мавжудлиги ва унинг ҳисобланган қиймати тўғрисида 2 иш кунидан ошмаган муддатда мурожаатчининг шахсий кабинетига ва ёки ДХМ унинг мобил телефон рақамига СМС хабарнома юборади.

Мурожаатчи ўз хоҳишига кўра, сўровнома асосида шакллантирилган маълумотлар ҳажми билан танишиб қиқиб, тегишли электрон тўлов тизими орқали ҳисобланган йиғим суммасини тўлайди ёки хизматдан фойдаланишни рад этади.

Давлат хизмати доирасида сўровномага асосан тақдим этиладиган ҳар бир статистик маълумотни шакллантириш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 0,08 фоизи миқдорда, ЯИДХП орқали мурожаат этганда эса ушбу сумманинг 90 фоизи миқдориди йиғим ундирилади.

О.СОАТОВ,

Жарқўрғон тумани Адлия бўлими ДХМ бўлим бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023-йил 19-январда “Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича бўлинмалари хузуридаги “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 21-сон қарори қабул қилинди.

ТЎМАРИС ИЗДОШААРИ

Ушбу қарорга кўра (21-сон, 19.01.2023 й.) кўра, 2023 йил 1 июндан ёши 18 дан кичик ва 30 дан катта бўлмаган, умумий ўрта ёки ўрта махсус маълумотли, бириктирилган ҳудудда доимий яшовчи ҳамда мулоқотга киришувчан ва ташкилотчилик қобилиятига эга хотин-қизларни кўнгилли асосда жалб қилиш орқали “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари фаолияти ташкил этилади.

Мазкур гуруҳларнинг асосий вазифаларидан бири ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида ўқийётган қизларнинг ҳулқ-атворига салбий таъсир кўрсатаётган ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ масалаларни аниқлашда кўмаклашиш ҳисобланади.

Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига ва хотин- қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга муносиб хисса қўшган “Тўмарис издошлари” жамоавий гуруҳлари аъзоларига Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлигининг тавсияномасига асосан ҳуқуқ-тартибот органларининг ОТМга саралашнинг барча bosқичларидан муваффақиятли ўтганидан сўнг якка тартибдаги суҳбатсиз (тест синовларисиз) квота асосида ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

Тавсиянома берилган номзодлар сони белгиланган квотадан кўп бўлган тақдирда, уларни ўқишга қабул қилиш танлов натижалари бўйича тўпланган баллардан келиб чиқиб, ажратилган қабул квоталари доирасида кетма-кетлик тартибида тақсимланган ҳолда амалга оширилади.

ИССИҚХОНАААРНИ СУБСИДИЯ АСОСИДА ҚУРСА БЎААДИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б-сон буйруғига асосан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамгармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 21-бандида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 майдаги ПҚ-4716-сон «Томорка ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ субсидиялар, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази, етказиб берувчи ташкилотлар ва томорка ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача ажратилиши ҳамда Низомнинг 36-бандига кўра, ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оилалар аъзоси бўлган томорка ер эгаси енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш ва (ёки) уруғлиқлар, қўчатлар ёҳуд сугориш воситалари харид қилиш учун субсидия ажратишни сўраб тегишли ҳудуддаги Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига мурожаат қилиши белгиланган.

Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига мурожаат қилиш орқали Сиз ўзингизга тегишли томорка ер майдонидан субсидия асосида иссиқхона қуришингиз мумкин бўлади.

Б.МАХСУМОВ,

Жарқўрғон туман Адлия бўлими бош маслаҳатчиси.

Анвар АБДУЛАКИМОВ,

Термиз туманлараро маъмурий судининг раиси.

БОҒЧАДА НАВОИЙХОНЛИК

Ҳазал мулкининг султони, Ўзбек тилининг асосчиси, шоирларнинг шоири, султонларнинг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий бобомизнинг 582 йиллиги муносабати билан Жарқўрғон тумани 40-сон «Камалак» Давлат Мактабгача таълим ташкилотида «Навоий қалбларда яшар абадий» шиори остида байрам тадбири кутаринки руҳда ўтказилди. Тадбирни 40-сон Давлат Мактабгача таълим ташкилоти директори Шоира Чориевна очиб берди. Тадбирда Жарқўрғон тумани Мактабгача таълим бўлими услубчиси Норбоев Шавкат ака ҳам иштирок этди ва улар тарбиячилик касби энг машаққатли бўлиши билан биргаликда энг шарафли, мўътабар, улуг касб эканлигини яна бир бор айтиб ўтдилар. Сўзининг сўнгига тарбиячиларни матҳ этувчи шеърдан парча келтириб ўтди. Тадбиримизда Тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари ёд олиб келган ғазаллари, рубоийлари билан фаол иштирок этишди. Навоий бобомизга аталган кўй ва қўшиқлар эжро этилди. Тадбиримиз давомида 40-сон «Камалак» Давлат мактабгача таълим ташкилоти ходимлари ўртасида ғазалхонлик кечалари, Навоий бобомизнинг «Хамса»сидан парчалар келтириб ўтишди. Тарбиячилар ижросида «Тановор» рақси ижро этилди. Тадбиримиз сўнгига Тайёрлов



гуруҳининг «Кабутар» жамоаси тарбияланувчилари томонидан Навоий бобомизга аталган сахна кўриниши ижро этилди. Навоий бобомиз қанчалик зеҳнли, зукко, топқир ва доно бўлганликлари сахнада ёритиб берилди.

Ш.ТОЖИЕВА,
Жарқўрғон туманидаги 40-сон «Камалак» ДМТТ тарбиячиси.

ОНКОАОГИК КАСААИКААР ҚАНЧААИК ХАВҒАИ?



Сўхбатдош ҳақида: Юсупов Парда Норқобилевич 1953 йилда Жарқўрғон туманида туғилган. 1974 йилда Самарқанд Тиббиёт олийҳосини тамомлагандан буён Жарқўрғон туман Тиббиёт бirlашмаси кўн тармоқли марказий поликлиникасида онколог шифокор бўлиб фаолият юритади.

Оилаи, Холдон Юсупова ҳам шифокор, қизлари Гулзор, Ўғиллар ота-онаси изидан бориб шифокорлик касбини эгаллашган. Ўғиллари Бекназар ва Бахтиёрлар эса турли касб эгаларидир.

— Парда Норқобилевич, сўхбатимизни шу кунларда онкологик касалликларнинг кўпайиб бораётганлигидан бошласак?

— Онкологик касалликлар нафақат катта ёшдаги, балки болалар саломатлигига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Беморлар сонининг ошиб боришига асосий сабаб атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иқлимнинг тез-тез ўзгариши ҳамда озик-овқат махсулотларининг таркибидagi ўзгаришларда деб биламан. Ҳар бир инсон ичиш, чекиш каби зарарли иллатлардан холи бўлиши керак. Экологик муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш эса муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

— Беморда хавфли ўсма ривожланаётганлигини қандай билиш мумкин?

— Беморда хавфли ўсма ривожланаётганлигини аниқлаш ўта мураккаб. Чунки онкологик касалликлар бирдан келиб чиқмайди, вақт ўтиши билан пайдо бўлади. Агар касаллик тери юзасида бўлса тезда аниқланади. Касаллик ички аъзоларда бошланса, касаллик аломатлари кеч юзага чиқади.

Хозирги кунда аёлларда сут бези саратони ва шунга ўхшаш касалликлар кўпайиб бормоқда. Шунинг учун улар йилга 2 марта УЗИ ва онкогенетик текширувидан ўтишлари керак бўлади. Бундай текширувлар эса онкологик касалликларни эрта аниқлашга ёрдам беради.

— Онкологик касалликларнинг келиб чиқишининг асосий сабаблари нимада?

— Бу касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ҳозиргача тўлиқ ўрганилмаган. Лекин шундай бўлсада, тиббиёт ходимлари онкологик касалликларнинг аломатларини кузатиш жараёнида беморни

риб қайтдингиз. Хорижий юртларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш қай аҳволда?

— Россия Федерацияси Тува Республикаси Красноярск ўлкасидаги шифохонада онколог шифокор бўлиб хизмат қилдим. Бир қанча мураккаб операцияларда қатнашиб, малакамни оширишга эришдим. Хорижда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир шифокор, ҳамшира ўз касбига садоқатли, ўзига юклатилган вазифани сидқидилдан бажаришга интилади. Беморларга зарур бўлган дори-дармонлар ўз вақтида етказилиб турилади.

— Онкологик касалликлар қанча эрта аниқланса, шифо топиши шунча оsonлашади, дедингиз. Вилоятимизда бу борада қандай ибратли ишлар қилинаётир?

— Онкологик касалликларни ўз вақтида даволаш учун вилоят онкология диспансерида монография , УЗИ, нур терапия ва бошқа турдаги текширув апапаратлари мунатазам ишлаб турибди. Касаллиги аниқланган беморлар шу ернинг ўзидa ёки Республика онкология диспансерида ётиб, дардига шифо топишмоқда.

Туманда ҳам онкология хизмати ишлаб турибди. УЗИ, УТТ, қондаги онкология текширувлар ўтказилмоқда. Хотин-қизлар эса онкогенетик назоратидан ўтказилаётир. Текширишлар натижасида гумон қилинган беморлар ўз вақтида даво-ланиб, шифокорларимизга раҳмат айтишмоқда. Тиббиётимизнинг бундай ютуқлари беморлар соғлигини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Сўхбатдош:
П.СОЛИЕВ, матбуот фахрийси.

ЖАРҚЎРҒОН ТУМАНИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН БАРЧА ҚОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАХБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ҲИСОБОТЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТОПШИРИНГ

2022- йил якуни учун тақдим этиладиган:

1-КБ шакли (йиллик) статистика ҳисоботини кичик қорхона ва микрофирмалар (чет эл инвестициялари ва хорижий сармоя иштирокидаги қорхоналардан ташқари) 2023-йилнинг 27- февралидан кечиктирмай;

1-ФХ шакли (йиллик) статистика ҳисоботини фермер хўжаликлари 2023- йилнинг 27-февралидан кечиктирмай;

1-ННТ шакли (йиллик) ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассаса, уюшма (иттифоқ) бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлар, халқаро ва чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхона ва филиаллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари 2023-йилнинг 2- мартдан кечиктирмай статистика органларига электрон шаклда тақдим этишлари шарт.

Джаббаров Мамат Маманазаровичга 2020 йилда Термиз РИБдан берилган DL0002487975 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Тoшболтаев Элмурод Коржововичга 2009 йилда Термиз РИБдан берилган АА № 846960 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси ва Огоҳлантириш талони йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Нуриддинов Исроилхон Ходи ўғлига 28.09.2019 йилда Сурхондарё вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан берилган ҚК-2814080 рақамли Ҳарбий гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Юқорида қайд этилган йиллик ҳисоботларни my.stat.uz сайтидан шахсий кабинет орқали Estat-4.0 иловасидан электрон шаклда ҳисобот тақдим этишлари мумкин.

Статистика ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаган ёки нотўғри тақдим этган қорхона ва ташкилот раҳбарлари ва масъул ходимларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг “Расмий статистика тўғрисида”ги қонунининг 40-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс»нинг 215-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари қўрилиши тўғрисида огоҳлантирамыз.

Жарқўрғон тумани статистика бўлими.

Жарқўрғон туманидаги «YATT ATAMURODOVA KARAMAD ISHMURZAYEVNA» нинг айлана муҳри ва тамғаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Ниёзов Жасурбек Алишер ўғлининг «Кобальт» русумли, 75 G 175 NA давлат рақамли автомашинасининг 2023 йилда берилган Қайд этиш гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Мустафақулова Гулшод Ярашовнанинг «Нексия-1» русумли, 75 Т 738 ВА давлат рақамли автомашинасининг 2016 йилда берилган ААС №6661977 рақамли Қайд этиш гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

ОИЛАДА ЭР-ХОТИНИНГ МУАКИЙ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТААРИ

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида руйхатга олинган вақтдан бошлаб никоҳдан ўтган шахслар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик муносабатлари, яъни ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

Оила қурувчиларнинг қонуний никоҳ муносабатларига кириши уларнинг ҳуқуқий ҳолатини ўзгартириб юборади. Никоҳга киргунга қадар уларнинг бири «аёл», иккинчиси эса «эркак» деб номланиб келинган бўлса, никоҳ туфайли улар эр-хотинга айланиб, улар ўртасидаги муносабатлар фақатгина ахлоқий қоидалар билан эмас, балки ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Эр-хотин ўртасидаги муносабат қанчалик барқарор бўлса, оила ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади, болаларни тарбиялаш иши тўғри олиб борилади. Эр-хотин қайд этилган никоҳ натижасида вужудга келган уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари икки хилдир, яъни: шахсий ва мулкыйдир. Шахсий ҳуқуқларнинг кўпи эр-хотиннинг никоҳ туфайли ҳуқуқларидан ҳуқуқи каби никоҳга ўтунга қадар ҳам уларга тегишли бўлади. Масалан, фамилия танлаш ҳуқуқи, болалар тарбияси ва оила- турмуш масалаларини ҳал қилиш, машғулот тури, касб ва турар жой танлаш ҳуқуқлари. Бундай ҳолатларда уларнинг меҳунат ва фуқаролик ҳуқуқи муомала лаёқати унсур бўлиб, оила ҳуқуқ соҳасига кирмайди, никоҳ қайд этилган пайтдан бошлаб, шахсий ҳуқуқлар эр ва хотиндан ҳар бирининг субъектив оила ҳуқуқини ташкил этиб, фақат оилавий-ҳуқуқий муносабатда намоён бўлади. Демак, у фақат шу маънода оиллага оид қонун ҳужжатлари билан ҳимоя қилинади. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортттирган мол-мулклари жумласига



улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари киради. Никоҳни қайд эттирмаган ҳолда бир оила бўлиб яшаган шахсларнинг мулкий муносабатлари фуқаролик қонунлари нормалари билан тартибга солинади. Оилавий муносабатларда эр-хотиннинг шахсий ҳуқуқлари мулкий ҳуқуқларига нисбатан устувор аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ҳажми, мазмуни, характери, эр ва хотиннинг оилавий ҳуқуқий муносабатларда қатнашуви сифатида ҳуқуқий ҳолатини белгилаб беради.

Нигора ХУДИЯТОВА,
Жарқўрғон тумани Адлия бўлими ФХДё бўлими 2-тонфаали инспектори.

НИКОҲДАН АЖРАТИШГА АСОС БЎААДИГАН ҲОАТААР

Баъзида мурожаат этувчи фуқаролар куйидаги мазмундаги савол билан мурожаат қилишади. Яъни: «Қайси ҳолатларда бир тарафнинг аризасига асосан ФХДё органлари томонидан никоҳдан ажратиш ишлари қўрилиши мумкин?»

Бунга жавобан шуни келтириш мумкинки, агар эр-хотиндан бири:

-суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган бўлса;

-суд томонидан руҳияти бузилиши (руҳий

касалиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса;

-содир қилган жинояти учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган болалари борлигидан қатъий назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра улар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратилади.

Г.РУСТАМОВА,
Жарқўрғон тумани ФХДё бўлими инспектори.

ҚУТУРИШ КАСААЛИГИДАН ОГОҲ БЎАИНГ!

Қутуриш - ҳайвонлар ва одамда учрайдиган, асаб тизими шикастланиши билан кечадиган ҳамда ўлим билан якун топадиган ўта хавфли оқумли вирусли касалликдир. Одамлар учун касаллик манбаи бўлиб: қутирган уй ҳайвонлари - ит, мушук, сигир, от, эшак, қўча, ёввойи ҳайвонлардан – чиябўри, тулки ва бўрилар ҳисобланади. Одамларга қутуриш касалиги 90-95 % ҳолатларда итларлардан юқади.

Касаллик одамга қандай юқади?

Одамга қутуриш касалиги шу касалликка чалинган ҳайвонларнинг тишлаши, тирнаши, тишларининг қадалиши, шунингдек, жароҳатланган тери ва шиллиқ қаватларига сўлаги тушиши пайтида юқади. Касаллик ўта оғир кечиб, доимо ўлим билан тугайди.

Қутуриш касаллигига чалинган ҳайвонларда кузатиладиган белгилар:

*ҳайвон тажовузкор бўлиб, дуч келган ҳайвонлар ва одамларга ташланади, тишлашга, тирнашга ҳаракат қилади;

*ёруғликдан қўрқади, қоронғу жойга кириб олишга ҳаракат қилади, эгаси қақирганида олдига келмайди;

*овқатланишдан бош тортади, тўғри келган жисмларни оғзига солиб, ютади, кейинчалик ютиниши қийинлашади, оғзидан жуда кўп сўлак оқади, безовта бўлади, товуши бўғилиб, йўқола бошлайди ва орқа оёқлари юрмай қолади, яъни

Ҳамдамов Баҳодир Хўжабековичнинг Жарқўрғон тумани «Меҳнат-роҳат» МФЙ, Ж.Норалиев кўчаси, 34-уйининг Жарқўрғон тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўлими томонидан 2022 йилда берилган Инв № 20863 рақамли Кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги **маълум қилинади.**

21.11.2022 йилда вафот этган Муратов Илҳом Сапарқувватовичдан қолган мол-мулк бўйича Мерос иши очилиши муносабати билан барча меросхўрлар Жарқўрғон тумани Нотариат идорасига келиб учрашишлари сўралади.

Халилов Бахтиёр Абдуллаевичга 2021 йилда Термиз РИБдан берилган DL000 №4256628 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Нармуратов Исмоил Холтўраевичга 1976 йилда Термиз РИБдан берилган ААВ № 175445 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Усанов Ҳусниддин Хайриддиновичга Термиз РИБдан 2017 йилда берилган АД №690140 рақамли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

фалажланиш ҳолатлари кузатилади. Ҳайвонларда ҳам касаллик ўлим билан якун топади.

Сиз агар ит ва бошқа уй ҳайвонларингизда касалликнинг шундай белгиларини кузатсангиз, дарҳол ветеринария врачига мурожаат этинг!

ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

* Итни доимо боғланган ҳолда қаслаш, кўчага олиб чиқилганда тумшуқ тасмасини тақиш, итни тунда кўчага чиқариб юбормаслик ва кўчада қаровсиз қолиши уй ҳамда ёввойи ҳайвонлар билан мулоқотда бўлишига йўл қўймаслик керак;

* Фарзандларингизни қаровсиз қолган ва бегона итлар билан ўйнашга ҳамда уларни уйга олиб келишига асло йўл қўйманг;

* Итни ўз вақтида ҳудудий ветеринария идораларига олиб бориб, рўйхатдан ўтказиш, ҳар йили уни ветеринария кўригидан ўтказиб, қутуришга қарши эмлатиш зарур.

Агар, Сизни ҳайвон тишласа ёки сўлаги жароҳатланган тери ва шиллиқ қаватингизга тушса, унда Сиз зудлик билан тиббий ёрдамга мурожаат қилишингиз ҳамда мутахассис врачнинг тавсиясига кўра, қутуришга қарши ўз вақтида ва тўлиқ эмланишингиз керак.

Э.РАҲИМОВ,
Жарқўрғон тумани СЭО ва ЖС Эпидемиология ва иммунопрофилактика бўлими мудри.

Тоғаева Пардахол Юсуповнанинг «Нексия» русумли, 75 N779 NA давлат рақамли автомашинасининг Қайд этиш гувоҳномаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Юсупов Мамарасул Ишпўлатовичга Термиз РИБдан 1986 йилда берилган АБШ №794246 рақамли Огоҳлантириш талони йўқолганлиги маълум қилинади.

Хушбақов Раҳмат Яраш ўғлига Термиз РИБдан 2013 йилда берилган О'зР №2462148 рақамли Огоҳлантириш талони йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Тўраев Эркин Мамарайимовичнинг Жарқўрғон тумани «Қўлдовли» МФЙ, «Тараққиёт» кўчаси, 7-уйининг Жарқўрғон тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри бўлими томонидан 2021 йилда берилган ИнВ 20753 рақамли Кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги **маълум қилинади.**

Жарқўрғон туманидаги «ILK IMKON BARAKA TAMILOT» МЧЖнинг айлана муҳри ва тамғаси йўқолганлиги **маълум қилинади.**

«JARQO'RG'ON» gazetasi tahririyati	Bosh muharrir: PAYANOV Alisher Mamayusupovich	Surxondaryo viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalari boshqarmasida 11/041-raqam bilan 2022 yil 10 uyunda qayta ro'yxatdan o'tgan. Indeks: 6512.	Tahririyat manzili: 190600, Jarqo'rg'on shahri, Navbahor ko'chasi, 3-uy. Tel: 76-43-21-661. e-mail: jargazeta83@mail.ru	Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Surxana» gazetalarini tahririyati bosmaxonasida A-2 hajmda, 2 bosma taboqda chop etiladi. Bosmaxona manzili: Termiz shahri, «Shukrona» ko'chasi, 21-a uy.	Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: B.Jumayev. Harf teruvchi: B.Jumayev.	Navbatchi: PAYANOV Alisher Mamayusupovich. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.
MUASSIS: «JARQO'RG'ON» gazeta tahririyati» MCHJ	Tahrir hay'ati: A.Radjabov, S.Mengatova, B. Jumayev.	ISSN 2181-6824	(RB) - reklama belgisi.	Gazeta sifatiga bosmaxona mas'uldir.	Internetdagi saytimiz: www.jn-gazeta.uz	Sotuvdagi bahosi kelishilgan narxda. Bosishga topshirildi 14.02.2023 yil, soat:11:00 Bosildi: 14:00 Adadi 851 nusxa. Buyurtma G-